

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш  
соҳасида жисмоний ва юридик шахслар  
мурожаатларида кўтарилиган масалаларни ҳал этиш  
натижадорлиги тўғрисида  
ХИСОБОТ**

**I.** Жорий йил **I чорак** якуни давомида вазирликка жисмоний ва юридик шахслардан жами **8 100 та** мурожаатлар келиб тушган.

Хусусан, қурилиш ва бино-иншиотларга тегишли йўналишда - **3 490 та (43,0%)**;

Уй-жойларда умумий мулкни сақлаш ва таъмирлаш ҳамда бошқарув ташкилотларининг фаолияти бўйича - **3 549 та (43,8%)**;

Иссиқлик таъминотига тегишли масалалар юзасидан **816 та (10,1%)**;

шунингдек, бошқа масалалар бўйича **245 та (3,1%)** мурожаатлар рўйхатга олинган.

**Кўриб чиқиш натижалари қуийдагича:**

- **4 544 таси ёки (56,1%)** ижобий ҳал этилган;
- **1 622 тасига ёки (20,1%)** тушунтиришлар берилган;
- **167 таси (2,1%)** 25-моддага мувофиқ тегишлилиги бўйича юборилган;
- **50 таси (0,6%)** кўрмасдан қолдирилди;
- **12 тасини (0,1%)** кўриб чиқиш тугатилган;
- **1 705 таси (21,0%)** айни вақтда ижро жараёнида.

**II.** Жорий йилнинг **I чорак** якуни давомида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигига Олий Мажлис Сенати (қўмиталари) ва Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан жами **47 та** (жисмоний шахслар) мурожаатлар юборилган.

Улардан **2 таси** архитектура ва шаҳарсозлик, **7 таси** ноқонуний равишда қурилган қурилмалар, **9 таси** қурилишда сифат, **1 таси** соҳада норматив ҳужжатлар, **3 таси** нотурар жойни турар жойга айлантириш, **4 таси** ходим ҳатти-ҳаракатлари, **1 таси** қурилишга рухсат бериш, **1 таси** пудрат-рейтинг масаласи, **7 таси** ичимлик суви ва оқова таъминоти муаммолари, **7 таси** кўп хонадонли уйларни бошқариш (ХУЖМШ ва БСК) фаолиятидан норозилиги, **2 таси** болалар майдончаси, **2 таси** кўп қаватли уйларда ноқонуний қурилма, **3 таси** бошқа масалаларга тўғри келади.

Мурожаатларнинг **8 таси** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қўмиталари, **16 таси** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, **23 таси** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуqlари бўйича вакил (Омбудсман) томонидан юборилган.

### **Кўриб чиқиши натижалари:**

- мурожаатларнинг **18 таси (38,3%)** ижобий ҳал этилган;
- **14 таси (29,8%)** бўйича тушунтириш берилган;
- **8 таси (17%)** ижобий ҳал этиш учун 25-моддага мувофиқ тегишли идораларга юборилган;
- **7 таси (14,9%)** ижобий ҳал этиш учун ижро жараёнида.

**Шунингдек, муаммолар депутатлар сўровларига асосан ижобий ҳал қилинган. Мисол учун:**

*Тошкент шаҳри Юнусобод туманида истиқомат қилиб келаётган фуқаро Д.Худаёровнинг яаш ҳудудидаги қўшинисининг уй-жойининг қурилиш ишлари Ш.Н.Қ нормаларига зид равишда қурилганлиги, қурилиш давомида уй-жойига зарар етказилганлиги билдирилиб, мазкур ҳолат юзасидан қонуний чора*

кўрилишида ёрдам сўраб Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Котибиятига қилган мурожаати мутассаддилар томонидан ўрганилиб, ижобий ҳал этилган.

Тошкент шаҳар Яккасарой туманида истиқомат қилиб келаётган фуқаро **И.Рашидовнинг** ноқонуний қурилиш бўйича Олий Мажлис Сенатига қилган мурожаати тегишиллиги бўйича ўрганилиб, ижобий ҳал этилган.

- Тошкент вилояти Чирчик шаҳрида истиқомат қилиб келаётган **Ж.Йўлдошевнинг** “Chirchiq Nur Servis” МЧЖ фаолиятидан норози бўлиб Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қилган мурожаати тегишиллиги бўйича ўрганилиб, ижобий ҳал этилган.

Тошкент вилояти Паркент туманида истиқомат қилиб келаётган фуқаро **Ў.Хўжаевнинг** БСК фаолиятидан ва ҳатти-харакатидан норози бўлиб Олий Мажлиси Сенатига қилган мурожаати тегишиллиги бўйича ўрганилиб, ижобий ҳал этилган.

**III.** Тасдиқланган “Сайёр қабул” режа-жадвали асосида раҳбарият томонидан жорий йил **I чорак** давомида мурожаатлар юқори ҳамда кескин ўсган вилоятлар (Андижон, Сурхондарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри)да жами **3 та “Сайёр қабул”лар** ўтказилди. Қабуллар давомида **39 та** турли мурожаатлар келиб тушган.

Натижада қабулда кўтарилиган масалаларнинг **19 таси** ижобий ҳал қилинган, **7 таси** жойида бартараф этилди, **10 тасига** ҳуқуқий тушунтиришлар берилди ҳамда **3 таси** ижобий ҳал қилиш учун назоратга олинди.

**IV.** Ҳисобот даврида мурожаатларни кўриб чиқишида камчиликларга йўл қўйган Бухоро вилояти Қурилиш ва уйжой коммунал хўжалиги бошқармаси (**2 нафар** масъул ходимларига нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарлик чоралари қўлланилган.

**V.** Соҳада аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва тақориий мурожаатлар келиб тушишининг олдини олиш мақсадида чора-тадбирлар амалга оширилмоқда:

**Биринчидан,** Вазирлик хайъят ҳамда аппарат йеғилишларида мурожаатлар билан ишлаш ҳолати атрофлича **муҳокама қилиб борилмоқда**;

**иккинчидан,** Халқ қабулхоналари билан доимий ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, барча вилоятларда соҳа ташкилотларининг бир нафардан масъул ходимлари **Халқ қабулхонасига доимий биритирилди**;

**учинчидан,** мурожаатлар сони ошган ҳудудларга алоҳида эътибор берилган ҳолда барча вилоятлардаги Халқ қабулхоналари билан ҳамкорликда **сайёр қабуллар ташкил этилмоқда**;

**тўртинчидан,** тизим ташкилотлари томонидан Халқ қабулхоналари билан **ҳамкорликда семинарлар ташкил этиш йўлга қўйилди**;

**Бешинчидан,** Ҳудудий бошқармаларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарорининг 57-банди талабларига кўра, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш **барча шарт-шароитлар яратилди**.

**Шунингдек,** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат органлари ва ташкилотларининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан иш олиб борувчи ходимлари малакасини ошириш тартиби

тўғрисида” 2022 йил 7 октябрдаги 582-сон қарор билан тасдиқланган низомига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида вазирликнинг марказий аппарати ҳамда вилоят бошқармалари, ва қуи ташкилотлар жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан иш олиб борувчи **ходимларининг малакалари оширилди**;

**олтинчидан**, амалга оширилаётган ишлар вазирликнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари ва **оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилмоқда**;

**еттинчидан**, вазирлик тизимиға фуқаролар ўз мурожаатларини ўзларига қулай усулда, яъни, оғзаки, ёзма, туну-кун фаолият кўрсатаётган 1298-қисқа рақамли диспетчерлик хизмати, интернет, порталлар ёки ижтимоий тармоқлар орқали киритишлари учун **барча шароитлар яратилган**.